

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЎЎУВЧИЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Балтаева Халима Тўрабаевна,

УрДПИ “Санъатшунослик” кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунда замонавий педагогиканинг долзарб вазифаларидан бири замонава билан ҳамнафас ўсиб келаётган ўқувчиларга таълим-тарбия бериш сифатини янада ошириш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу масалага ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор берилиб, таълим тизимида туб ислохотлар амалга ошириляпти. Ушбу жараёнлар педагогик таълим тизимида юқори билимли кадрлар тайёрлаш имкониятларининг кенгайишига, жамиятни ривожлантириш негизда жаҳон таълим муҳитига мос ва хос тарзда узлуксиз педагогик таълим тизимини яратишга олиб келади. Мактабларга бириктирилаётган олий таълим муассасаларининг хусусияти ҳамда салоҳиятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар томонидан мактабда фаолият юритаётган фан ўқитувчиларининг билим-малакасини ошириш ва сифат таркибини яхшилашга амалий ёрдам берилмоқда. Шу қатори тасвирий санъат йўналишидаги муаммоларни ўрганиш ва таълим сифатини ошириш масаласи ҳам долзарблигини қайд этиш керак. Шу боисдан таълим мазмунини чуқур текшириб чиқиш, шунингдек, инновацион технологиялар орқали таълим сифатини ошириш ғояси кун тартибига асосий масала сифатида таъкидлаш ўринлидир. Ушбу мазмунга ёш авлоднинг нафақат билими балки умуминсоний маданиятни, ижодий потециалини ривожлантириш, тасвирий санъат орқали миллий анъана ва қадриятларга, жамиятга нисбатан муносабатларни ҳам киритиш мумкин. **Чунончи, таълимни ривожлантиришнинг замонавий босқичида юксак ҳуққ-атворли ва маънавиятли инсонни тарбиялаш муҳимдир. Шундан келиб чиқадики, ёш авлоднинг ижодий ривожланишида тасвирий санъат ўқитувчиларига катта маъсулият юклайди.**

Рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов “Ўқитувчи ўз ишини чин дилдан яхши кўрадиган ҳам актёр, ҳам рассом бўлиши лозим” – деган фикридан келиб чиқадики, педагог ҳам тарбиячи, ҳам актёр ҳам рассом вазифасини бажариши



керак. Таълим-тарбия орқали ҳаётда яшовчанликни ўргатиш ва қалбан меҳр бериш - бу ўқитувчилик касбининг асл моҳияти ҳисобланади. Болаларга бўлган чексиз муҳаббат, хайрихоҳлик, сезгирлик, диққат-эътиборлилик, ҳар қандай ҳолатда педагогик вазиятни тўғри баҳолаш ва энг яхши вариантни тезда топиш қобилияти ўқитувчи касбининг аҳамиятини оширади. Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатлар таълим жараёнида муҳим рол ўйнайди ва ўқувчиларнинг билим олиш натижалари ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Соғлом ва қўллаб-қувватловчи муносабатлар ижобий таълим муҳитини яратади, яхши ўрганиш ва ривожланишга ёрдам беради. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг баъзи муҳим жиҳатлари:

Ишонч ва ҳурмат, қўллаб-қувватлаш ва тушуниш, мулоқот учун очиқлик, индивидуал ёндашув, мотивация, адолат ва касбий ривожланиш.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар ўқувчилар ҳаётига узок муддатли таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун ижобий ва қўллаб-қувватловчи таълим муҳитини яратиш таълим муассасалари учун муҳим мақсаддир. Замонавий тасвирий санъат ўқитувчиси юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда таълим олдидаги ўз маъсулиятини ҳис қилиши, ўз касбига нисбатан ҳурмат-эътибор билан ёндашиши ва ҳар қандай вазиятга ижодкорлик билан ёндашиш кўникмаларини ривожлантириши зарур.

Тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида муҳим ўрин тутди, уларда ижодкорлик, тасвирий фикрлаш ва бадиий маҳоратни ривожлантиришга ёрдам беради. Тасвирий санъат ўқитувчисининг ўқувчиларнинг таълим жараёнида ижодкорликни ривожлантиради. Ўқитувчи ўқувчиларни янги ғоялар, тажрибалар излашга, ўз фикр ва ҳис-туйғуларини санъат орқали ифодалашга ундаш орқали ижодкорликни ривожлантиради.

Шунингдек, ўқитувчи ўқувчиларда визуал идрок ва таҳлил қилишни ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса уларнинг атрофдаги дунёни шарҳлаш ва идрок этиш қобилиятини шакллантиради. Ўқитувчилар ўқувчиларга тасвирий санъатнинг турлари бўйича ҳар хил техника ва усулларни ўргатади, жумладан, чизмачилик, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва ҳоказо. Бу эса ўқувчиларда тасвирий санъатни кенг ўрганиш билан бир қаторда санъатга бўлган муҳаббат уйғонади. Тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларга ўз фикр



ва ҳис-туйғуларини санъат орқали ифодалашни ўрганишга ҳам кўмаклашади. Қолаверса, бу уларнинг мулоқот қобилиятларини ривожланишига, ёзув ва хуснихатлари орқали бошқалар билан маданиятли муносабатга кириш имконини беради. Ўқувчиларнинг бадиий маҳоратини оширибгина қолмай, балки уларнинг умумий билим олишида, ижодий фикрлашида, эстетик тарбиясида ҳам тасвирий санъат ўқитувчисининг аҳамияти муҳим. Тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларнинг тартибли бўлишида, маданий саводхон ва ижодкор шахс бўлиб шаклланишида етакчи ҳисобланади десак адашмаймиз.

Санъат вақтлар ўтар экан, унга бўлган талаб ёки эҳтиёж ҳеч қачон сўнмайди. Чунки санъат кишиларнинг қалбига тўғридан тўғри тасир қилади. Тасвирий санъат шунчаки ранглардан иборат суръатлар эмас, у ижодкорнинг дарди, ҳис-туйғуси, энергияси эканлигини ҳисобга олсак, ушбу санъат орқали жамиятни тарбиялаш, гўзалликни севишга ўргатиш мумкин. Ёш авлодга санъат орқали тарбия бериш эса шунинг учун ҳам муҳим. Хулоса қилиб айтганда, тасвирий санъат ўқитувчисидagi касбий маъсулиятни ҳис қилиш, фидойилик, ташаббускорлик ва креатив ижодкорлик ўқувчиларнинг ушбу фанга ва йўналишга қизиқиши, улардаги ҳар бир иш ва вазифага ижодкорона ёндашувига сабаб бўлади, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида ёрдам беради. Энг муҳими эса ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига кучли таъсир кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Jumanazarovna, O. N. (2023). O'zbekiston tasviriy san'atida tarixiy janrda yaratilgan asarlar orqali talabalarning badiiy tasavvurlarini o'stirish. PEDAGOGS jurnali, 33(2), 137-144.
2. Ibadullayeva, N. E., Ibadullayev, S. E., & Otaxanova, N. J. (2022). Tasviriy va amaliy san'at bo'yicha tashkil etiladigan togaraklarda o'quvchilarni ijodkorlik faoliyatiga yo'naltirish va to'garaklar faoliyatini yo'lga qo'yishning uslubiy jihatlar. In КУЛЬТУРОЛОГИЯ, ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ И ФИЛОЛОГИЯ: СОВРЕМЕННЫЕ ВЗГЛЯДЫ И НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ (pp. 65-69).
3. Berdiyev Doston Abduvoitovich. (2023). tasviriy san'atning fanlararo aloqalar tizimidagi o'rni. PEDAGOGS Jurnali, 31(1), 142–148.

4. Abduvoitovich B. D. Tasviriy san'atda innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati //so'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – T. 6. – №. 4. – C. 54-58.
5. Berdiyev Doston Abduvoitovich. (2023). Steam ta'limini tatbiq etish orqali tasviriy san'at fanini o'qitish metodikasi mazmunini takomillashtirish usullari. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(18), 187–193. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7843850>
6. Berdiyev Doston Abduvoitovich 2023. Umumta'lim maktablarida tasviriy san'atni o'qitish muammolari (tasviriy san'atni o'qitish metodikasi tarixi). *Scientific Impulse*. 1, 9 (May 2023), 520–527.

